

Journal of Natural Science

*No1 (6)
2022*

<http://natscience.jspi.uz>



<u>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Шилова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор7. Насимов А– СамДУ к.ф.д., профессор8. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор9. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц10. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.11. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.12. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф13. Муродов К-СамДУ к.ф.н., доц.14. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц15. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.16. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц17. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.18. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)19. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц20. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)21. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц22. Муминова Н-к.ф.н., доц23. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц24. Инатова М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD)
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (ҳар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

**ТУРКИСТОН ТОҒ ИЗМАСИДАГИ “ҚИРҚ ҚИЗ -1” ТОШ АНСАМБЛИ
ЭКОТУРИСТИК МАРШРУТ СИФАТИДА**

Санаева Лола Шукурбоевна- доцент в.б., б.ф.н.

Алимов Отабек Хайдар ўғли-2 -курс магистр

Файзиева Сожидат Илхом қизи-1- курс магистр

Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация. Жиззах вилоятидаги Зомин давлат кўриқхонаси Туркистон тоғ тизмаси бағрида жойлашган бўлиб, бетакрор табиий арчазор ландшафтлари, бой фауна ва флораси билан Ўзбекистонда алоҳида ахамиятга эга. Худудда экотуристар этиборини тортадиган муҳим объектлар Қирқ қиз1, Қирққиз 2, савати кўртарган кампр ва то қуёв каби тош ансамбллари дидир.

Калит сўзлар. Кўриқхона, экотризм, экосўқмоқ, тош ансамбллар, экотуристлик объектлар, табиий худуд, Зомин давлат кўриқхонаси, экомаршрут. алоҳида кўриқланадиган табиий худудлар.

Хозирги кунда экологик тризмга аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳолининг табиатга бўлган қизиқишларини оширувчи йўнлаш сифатида эмас балки табиий худудларни сақлашга ҳам кўмаклашувчи восита сифатида қаралмоқда. Жумладан Россиядан кейинги йилларда шундай кўриқланма худудларга ташриф буюрган саёхлар сони 9 млн.га етган бўлса ушбу кўрсаткич АҚШ да 319 млн. ни ташкил этқандай фаолият тур таъқиқланганлиги сабабли кўриқланма худудлага экотуристлик маршрутлар қилиш таъқиқланган. Мана шундай муҳофаза этиладиган табиий худудлардан бири Зомин давлат кўриқхонаси ҳисобланади.

Зомин давлат кўриқхонаси Ўзбекистонда ташкил этилган биринчи кўриқхона бўлиб, умумий майдони 26 840 га ни ташкил этиб, шундан 22 137,3 гектар майдони ўрмон билан қопланган. У Помир-Олой тизмасига кирувчи Туркистон тизмасининг ғарбий қисми, шимолий ёнбағрида жойлашган, у Туркистон тоғлари жануби-шарқий қисмидаги Бойкўнғирсой дарёси билан, шимолий чегараси Молгузар тоғ тизмаси билан ўралган.

Бугунги кунда кўриқхонада худудда 105 оила 531 туркумга мансуб 1216 тур ўсимликлар аниқланиб, уларнинг 21 тури Ўзбекистон Республикаси “Қизил Китоби”га киритилган. Бу ерда шифобахш ўсимликларнинг қуйидаги 20 турдан ортиғи ўсади:

Кўриқхонада 1 турдаги балиқ, 1 турдаги сувда ва қуруқликда яшовчи, 14 тур судралиб юрувчи, 102 тур қуш ва 30 турдаги сутэмизувчилар учрайди. Шулардан қор қоплони, Северцев қўйи ва тасқара ТМХИнинг Қизил Китобига киритилган. Ўзбекистон Республикасининг Қизил Китобига тоғ қоплони,

кўнғир айик, Туркистон силовсини, тасқара, қора лайлак, болтаютар, бургут, кичик бургут, итолғи, окбошли кумой, маллабош лочинлар киритилган.

Зомин Давлат кўриқхонаси ҳудудида жойлашган табиий ёдгорликлар экотуристтик аҳамиятга молик бўлиб, туман ҳокимлигининг 2014 йил 24 декабрь 1268-сонли қарорига асосан кўриқхона ҳудудидаги қуйидаги табиий объектлар Қизилэтақсойдаги “Қирққиз”, Ғуралашсойдаги “Куёвтош”, Арчамайдонсойдаги “Бурама арча”, Оқ эчкисойдаги “Тош кампир” ва Қизилтўриқсойдаги “Қирққиз-2” давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилинди. Қуйида “Қирққиз-1” экотуристтик маршрутини тавсия этамиз.

Экосўқмоқ номи: “Қирққиз-1”.

Экосўқмоқнинг мақсад ва вазифалари:

- Зомин давлат кўриқхонасининг 26840 км ли умумий ер майдонининг бир қисмини кузатиш;
- Кўриқхонанинг умумий арчазорли ландшафтларини кўриш;
- Учўчоқ, Шовқар тоғ каби Туркистон тоғ тизмасининг денгиз сатҳидан 3800 км баландликда бўлган қорли тоғ чўққилари;
- Туркистон тоғ тизмаси бағридаги катта яланглик (текистик майдон) “Суфа” текислигини кўриш;
- Кўриқхонанинг “Кўлсой” номли қуюқ арчазорли манзаралари;
- Кўриқхонанинг “Қизилмозорсой” номли тиниқ тоза сувли сой манзаралари;
- Кўриқхонанинг “Қашқарсувсой” номли табиат манзарларини кўриш;
- Вилоятнинг асосий чучук сув манбалари ҳисобланмиш Зоминсув ва Сангзор дарёлари бошланғич ирмоқларини кўриш;
- “Қирққиз-1” тош ансамбли экотуристтик объекти.

“Қирққиз-1” экотуристтик маршрути

Жойланиши: Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилояти Зомин тумани Зомин давлати кўриқхонаси, вилоят марказидан 120 км масофада жойлашган.

Экотуристтик маршрутнинг қисқача тавсифи: Жиззах марказидан 60 км транспортда Зомин миллий боғи орқали “Суфа” тоғ кенглигига келинади. Маршрут сайёҳнинг талабига кўра пиёда ёки отда ташкил этилади. Кўриқхона ҳудуди бўйлаб 20 км масофада 1 кеча 2 кунлик ушбу маршрутда чодирда дам олиш, табиат қўйнида енгил тамадди қилиш, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳаётини кузатиш мумкин. Саёҳат давомида кўриқхона ҳудудида жойлашган ажойиб тош ансамбллар жамланмаси, яъни, “Қирққиз-1” тош ансамбли экотуристтик объектини кузатасиз. Унда катта кичик (3-5 м) шаклдаги одамсимон ва Қирққиз ва бошқа турли шаклдаги тошлар гўзал табиат бағрида ажиб афсонавий кўриниш беради.



1-расм. “Қирққиз-1” тош ансамбли умумий кўриниши

Экотуристик маршрут чизиқли шаклда.

Тошкент шаҳри → Жиззах шаҳри → Зомин тумани → Зомин миллий табиат боғи → “Суфа” → Зомин давлат кўриқхонаси → Қирққиз-1 тош ансамбли → Музбулоқ қишлоғи → Бахмал тумани.

Фойдаланиш тартиби: Қорсиз кунларда.

Экотуристик маршрутнинг экотуристик иншоотлари: тоғ булоқлари, Қашқарсувсой, Кўлсой, Қизилмозорсой, Қирққиз довони, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, табиат ландшафтлари, қорли тоғ чўққилари, Қирққиз-1 тош ансамбли.

Хулоса қилиб айиганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида Зомин давлат кўриқхонаси каби алоҳида кўриқланадиган табиий ҳудудларга экотуристик маршрутларни ташкил этиш таъқиқланган бўлсада ушбу қонунчилиуни бугунги кунда талабларига кўра қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни, дунё тажрибаларини ўрганган ҳолда кўриқланма ҳудудлардаги Қирққиз каби табиий тош ансамбллари, ғорлар, шаршаралар, даралар ва ҳ.к. ларга экотуристик маршрутларни ташкил этиш орқали бундай масканларни табиатини асраб авайлаш ва иқтисодий жихатдан ўллаб қувватланишига асос бўлади. Шунингдек, қуриқланма ҳудудлар атрофида жойлашган узоқ тоғли ҳудудларидаги аҳоли пунктларининг ҳам ижтимоий иқтисодий ривожланишига кўмаклашилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Республика Вазирлар маҳкамасининг 1994 йил 7 октябрдаги “Зомин давлат кўрикхонасининг ҳудудини кенгайтириш ва унинг муҳофаза қилиш тадбирларини кучайтириш” ҳақидаги №498-сонли қарори.
2. Л.Санаева, Б.Мизаев “Факторы развития экологического туризма в Джизакской области “., “Молодой учёный” Ежемесячный научный журнал. Казань (Россия). №12 (59) / 2013, С. 607, декабря 2013 года.
3. Л.Санаева, Б.Мизаев , Экологический туризм, его состояние по Джизакской области и меры по его улучшению ., “Научная дискуссия: вопросы математики, физики, химии, биологии” Сборник статей по материалам XIII международной за очной научно-практической конференции . Москва. №1 (13) , С. 93, январь 2014 года.
4. L.Sanaeva, M.Abduraimova , Department of Jizzakh Province on ecotouristic region and the factors of usage . “Europäische Fachhochschule European Applied Sciences #3 – 2014” Stuttgart, Germany. № 3, page 10, March 2014.
5. L.Sanaeva, Shamiev A., Eshinulov E., Ekoturizmni kengaytirish mumkin bo`lgan hududlar. «Баркамол авлод - буюк юрт истиқболи” Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро давлат университети, 25-25 ноябрь, 2014 йил. 241-243 бет